1.2.4.1.

“Autosanoat agro lizing” МЧЖда 2024 йил II чорак учун коррупцияга қарши курашиш тизимининг амал қилиши ҳақида

ҲИСОБОТ

I. Ташкилотнинг Коррупцияга қарши чора-тадбирлар дастури бажарилгани тўғрисида умумий ахборот.

“Autosanoat agro lizing” МЧЖда, **2024 йил II чорак**да қуйидаги Коррупцияга қарши чора-тадбирлар дастурида назарда тутилган ишлар амалга оширилган:

“Autosanoat agro lizing” МЧЖнинг “Лизинг қўмитаси низоми”, “Жамият томонидан мижозларнинг лизингга техника олиш учун тақдим этилган хужжатларни ўрганиб чиқиш тартиби”, “Лизинг сиёсати” ва “Жамият томонидан мижозларнинг лизингга техника олиш учун тақдим этилган хужжатларни ўрганиб чиқиш тартиби”да белгиланган талабларни бажарилишини ўрганиш, хавфларни аниқлаш ва олдини олиш мақсадида жамиятнинг барча ходимларига “Autosanoat agro lizing” МЧЖ томонидан қабул қилинган “Манфаатлар тўқнашуви бўйича сиёсати”, “Алоқа каналлари орқали қоидабузарликлар тўғрисида жамиятга келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш регламенти” ҳамда Бизнес ҳамкорларни комплекс текшириш процедураси” мавзусида тренинг ўқув машғулотлари ўтказилди.

Ходимларнинг ишга қабул қилиш жараёни ва ходимларнинг шахсий йиғма жилдларини автоматлаштириш мақсадида Электрон ҳужжат алмашиш платформасида ҳар бир ходимнинг шахсий профилини яратиш ишлари олиб борилди. Бунда кадрларга оид масалаларда коррупцияга қарши курашиш тизимининг жорий этилиши, ишга янги қабул қилинган ходимлар томонидан манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги декларацияни тўлдириш, ишга қабул қилинувчи номзодлар устидан ўтказилган текширувлар маълумотларини рақамлаштирилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ички локал хужжатларни такомиллаштириш мақсадида, “Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш тартиби тўғрисида” ҳамда жамият ходимлари томонидан “Хизмат сафарлари, халқаро ва бошқа расмий тадбирлар муносабати билан олиниши мумкин бўлган совға қиймати ҳамда уни тасарруф этиш тартиби тўғрисида” ишлаб чиқилган ва

тасдиқланган низомлар жамият ходимларига етказилди ҳамда келгусида ушбу мавзулар бўйича ўқув тренинг ўтказилиши белгилаб олинди.

Ишга янги қабул қилинган ходимлар билан меҳнат шартномалари коррупцияга қарши шартлар киритилгани ҳолда тузилди.

II. Сиёсат ва тартиб-таомиллар

“Autosanoat agro lizing” МЧЖнинг 04.10.2023 йилдаги 31-и/ч сонли буйруғи билан қабул қилинган комплаенс назоратига оид сиёсат, услубиёт, низом, регламент, йўриқнома, кодекс, процедура ва қоидалар, жамият веб сайтига аввал жойлаштирилган.

Ушбу йўналишлар бўйича асос бўлган меъёрий ҳужжатларга ҳукумат томонидан ўзгартиришлар киритилиши натижасида, жамият томонидан қабул қилинган ички ҳужжатларга мос равишда тегишли ўзгартиришлар киритилиб лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда.

Жумладан: Ўзбекистон Республикасининг “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги қонуни қонунчилик палатаси томонидан 2022 йил 25 октябрда қабул қилинган ва сенат томонидан 2023 йил 1 июнда маъқулланган.

Мазкур қонун ҳужжати, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 05.06.2024 йилда имзоланган ва ЎРҚ-931-сон рақам билан рўйхатга олинган бўлиб, расмий эълон қилинган кундан эътиборан олти ой ўтгач (06.12.2024 йилда) кучга кириши кўзда тутилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 05.06.2024 йилдаги ПҚ-210-сонли “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги қонуни ижросини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорининг 2-иловаси Ўзбекистон Республикасининг «Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида»ги Қонуни ижроси доирасида 2024 йилда амалга ошириладиган ишлар юзасидан «ЙЎЛ ХАРИТАСИ»да белгиланган.

Ушбу қарор билан тасдиқланган «ЙЎЛ ХАРИТАСИ»да белгиланган чора-тадбирлар асосида, жавмият томонидан 04.10.2023 йилдаги 31-и/ч сонли буйруқ билан қабул қилинган “Манфаатлар тўқнашуви бўйича” сиёсатига тегишли ўзгартришлар киритилмоқда.

III. Хавф-хатарларни баҳолаш

“Autosanoat agro lizing” МЧЖ томонидан коррупциявий хавф-хатарлар қуйидаги соҳалар бўйича таҳлил қилинган:

“Autosanoat agro lizing” МЧЖнинг бирлашган коррупциявий хавф-хатарлар харитаси, коррупция хавфига энг кўп мойил бўлган функция ва лавозимлар рўйхати ва коррупцияга қарши кураш дастури (“Йўл харитаси”)

ва унинг амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар платформага юкланган.

“Autosanoat agro lizing” МЧЖнинг 2024 йилда коррупциявий хавф-хатарлар харитаси, жамиятда коррупцияга қарши кураш дастури ҳамда Коррупция хавфига энг кўп мойил бўлган функция ва лавозимлар қайта кўриб чиқилди ва рўйхати шакллантирилди.

IV. Амалга ошириладиган коррупцияга қарши курашиш тартиб-таомиллар:

Манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш

2024 йилнинг II чорагида “Autosanoat agro lizing” МЧЖ филиалларига жами 3 нафар ходим ишга қабул қилинган бўлиб, шундан бир нафари Хоразм минтақавий филиали бош мутахассиси Мадярова Айжамал Токтарбаевна Қорақалпоғистон Республикаси филиали директори этиб тайинланган.

Мазкур номзодлар томонидан манфаатлар тўқнашуви деклерациялари тўлдирган бўлиб, барчаси текширувдан ўтказилган.

Бунда, текширилган (манфаатлар тўқнашуви аризасини (деклерацияни) тўлдирган) ходимлар сони Жамиятнинг умумий ходимлар сонига нисбатан 8,1 фоизни ташкил этган.

Мазкур ходимлар томонидан тўлдирилиб тақдим этилган манфаатлар тўқнашуви деклерацияларибўйича амалга оширилган ўрганишлар натижасида манфаатлар тўқнашуви ҳолати аниқланмади.

Коррупцияга қарши қоидаларни ташкилот шартномаларига киритиш

Жамиятнинг барча шартномаларида коррупцияга қарши шартлар назарда тутилган, бундан e-xarid электрон савдо платформасида тузиладиган шартномалар мустасно;

Хозирги кунга қадар контрагент томонидан коррупцияга қарши қоидалар бузилиши сабабли шартномалар бекор қилинган ҳолатлар бўлмаган.

Контрагентларни текшириш

“Autosanoat agro lizing” МЧЖда 2024 йилнинг ўтган даври давомида контрагентларни “Бизнес ҳамкорларини Комплекс текшириш” процедурасида белгиланган тартиб асосида текшириш ишларини амалга оширилиши йўлга қуйилган.

“Autosanoat agro lizing” МЧЖ, "Ўзавтосаноат" АЖ бошқарувининг 27.09.2021 йилдаги 13-01-10-33 сонли мажлис баённомаси асосида ташкил этилган бўлиб, унга кўра Автосаноат АЖ тизимига тегишли ҳамда унга ишончли бошқарувга берилган корхоналар томонидан ишлаб чиқилган қишлоқ хўжалиги техникалари ва бошқа техникаларни лизинг орқали қишлоқ хўжалиги мақсалотларини етказиб берувчи кластерлар ва фермер хўжаликларига лизинг асосида етказиб беришдан иборат. Шу сабабли, ушбу маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан техникаларни харид қилиш учун шартномалар тўғридан-тўғри тузилган.

Бундан ташқари, “Autosanoat agro lizing” МЧЖ ва жойлардаги миньақавий филиаллари учун зарур бўлган харажатлар (офис учун жой ижараси, офис мебеллари, компьютер техникалари ва бошқалар) Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонунининг 61-моддасига биноан ғолиблар танлаш ўтказилиши тўғрисидаги эълонни жойлаштирмасдан, очиқ ахборот манбаларидан олинган нархларни солиштириш йўли билан ёки товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) потенциал етказиб берувчиларидан нархларни сўраш йўли билан аниқлангани ҳолда амалга оширилган.

Ишга номзодларни текшириш

2024 йил II чорак давомида “Autosanoat agro lizing” МЧЖга ишга қабул қилиш учун жами 3 та номзодлар тақдим қилинган ҳужжатлар асосида текширувлар ўтказилган.

V. Таълим ва коммуникация

Жамият ходимларига 2024 йил II чоракда жамият томонидан қабул қилинган Манфаатлар тўқнашуви бўйича сиёсат, Алоқа каналлари орқали қоидабузарликлар тўғрисида жамиятга келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш регламенти ҳамда Бизнес ҳамкорларни комплекс текшириш процедураси мавзуси бўйича жамиятнинг комплаенс хизмати мутахассиси, ходимлар ва иш юритиш бўйича бош мутахассис ҳамда юридик бўлим бошлиғи томонидан 2024 йилнинг 15 апрель, 24 май ва 20 июнь кунларида ZOOM орқали семинар тренинглар ўтказилди. Ўтказилган тренинглар якуни бўйича баённома ва ўқув варақлари расмийлаштирилган.

VI. Коррупциявий хатти-харакатлар ва ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги хабарлар

Коррупциявий хатти-харакатлар ва ҳуқуқбузарликлар тўғрисида маълумот ва хабарлар “Autosanoat agro lizing” МЧЖ алоқа каналлари орқали келиб тушмаган.

VII. Мониторинг ва назорат

Идоравий коррупцияга қарши тизимининг актуаллиги ва унинг қонунчилик талаблари, шу жумладан, халқаро стандартлар талабларига мувофиқлиги мониторинги;

Ташкилот ходимларининг коррупцияга қарши асосий тамойил ва талаблардан хабардорлиги мониторинги;

Коррупцияга қарши дастурлар, йўл хариталари ижроси устидан назорат;

Ташкилотдаги коррупцияга қарши талаблар ва тартиб-таомилларга риоя этилиши устидан назорат.

Келгусида Жамиятда текширувлар доимий равишда амалга оширилади ва камчилик топилганда тегишли чоралар кўрилади ҳамда улар ҳужжатлаштирилади.

VIII. Аниқланган қоидабузарликлар ва уларга таъсир чоралари

“Autosanoat agro lizing” МЧЖ ходимлари томонидан 2024 йил II чоракда қоидабузарликларга йўл қўйилмаган.

IX. Хулосалар

Жамиятда коррупцияга қарши курашга қаратилган асосий чора-тадбирлар:

Бизнес режа бажарилишини назоратга олиш;

Жараёнларни автоматлаштириш;

Комплаенс фаолиятини ривожлантириш;

Идоравий коррупцияга қарши тизимининг актуаллиги ва унинг қонунчилик талаблари, шу жумладан, халқаро стандартлар талабларига мувофиқлиги мониторинги;

ОАВ мониторинги;

Ташкилот ходимларининг коррупцияга қарши асосий тамойил ва талаблардан хабардорлиги мониторинги;

Коррупцияга қарши дастурлар, йўл хариталари ижроси устидан назорат;

Ташкилотдаги коррупцияга қарши талаблар ва тартиб-таомилларга риоя этилиши устидан назоратга олиш ҳисобланади.

Комплаенс хизмати томонидан ўз вазифасини бажариш борасида, коррупцияга қарши кураш қонунчилиги талабларидан келиб чиқиб, жамият томонидан қабул қилинган ички идоравий ҳужжатларга амал қилиб келинмоқда.

X. Коррупцияга қарши кураш тизимини янада ривожлантириш бўйича таклифлар ва тадбирлар режаси

2024 йилнинг ўтган даври давомида амалга оширилган чора-тадбирлардан келиб чиқиб, қуйидагилар таклиф қилинади.

Молия ва иқтисодий соҳада хавфларни олдини олиш мақсадида тўланган (ундирилган) молиявий жарималарни ўрганиш ва тегишли тартибда айбдорларга чора кўрилиш бўйича ҳужжатларни расмийлаштириш ва раҳбариятга киритилишини ташкиллаштириш;

Жараёнларни автоматлаштириш мақсадида:

“Буюртмаларни автоматлаштириш ва харид жараёнини тизимлаштириш” онлайн платформасини яратиш (code ёзиш);

“Буюрмаларни автоматлаштириш ва харид жараёнини тизимлаштириш” онлайн платформасини “Autosanoat agro lizing” МЧЖда ишга тушириш;

Комплаенс хизмати фаолиятини ривожлантириш мақсадида жамиятда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш ва уларга қарши курашиш бўйича тренинг ва семинарлар ташкил қилиш;

Халқаро сертификатни олиш юзасидан керакли билимлар ва малакалар борлигини текшириш юзасидан контрагент билан музокараларни олиб бориш ва жамиятда сертификат олишни таъминлаш;

Ички локал хужжатларни такомиллаштириш;

Янги ишга қабул қилинган ходимлар билан Комплаенс бўйича шартларни киритган ҳолда Меҳнат шартномаларини тузиш;

Молиявий таъминлашни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя этмаслик ҳолатлари мавжудлиги эҳтимолини таҳлил қилишда жамиятда қонунчилик талабларига мувофиқ жамият фаолияти тизимли равишда аудитдан ўтказишни қонунчилик талабларига мувофиқ ўз вақтида олиб боришни таъминлаш.

Комплаенс хизмати бўйича
Бош мутахассис **У.Султанбоев**